

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Ш.Норов	
Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати қонунчилигининг тарихий шаклланиши.....	79
К.Тошов	
Иккинчи жаҳон уруши йилларида сурхон воҳаси меҳнаткашларининг фронт ортидаги фаолияти	84
Г.Эгамбердиева	
Ўзбекистонда туризм соҳасини ислоҳ қилиш бошқичлари (XX асрнинг иккинчи ярми – XXI асрнинг биринчи чораги)	89
И.Ғуломов	
1926 йили Ўзбекистон ССР аҳолисини рўйхатга олиш тадбирининг яқунлари айрим рақамларда	94

АДАБИЁТШУНОСЛИК

О.Туйчиева	
«Жавоҳир ул-ажойиб» аёлларга аталган илк тазкира сифатида	99
З.Яхшиева	
Тетралогияда тарихий ҳақиқат ва пафоснинг уйғунлиги.....	103
Ф.Икромхонова	
АҚШ адабиётида тарихий асарнинг шаклланиши	107
О.Дадажонов	
Жадид драмасида таълим-тарбия масаласи ва қаҳрамон талқини	111

ТИЛШУНОСЛИК

С.Хашимова	
Хитой тилида редупликатив феълларнинг маъноси ва қўлланилиш хусусиятлари.....	114
О.Бегимов	
Жанубий Ўзбекистон орообъектларининг номланишида диний тушунча ва тасаввурларнинг мотивланиши.....	119
З.Акбарова	
Олам лисоний манзарасига доир қарашлар таҳлили	124
Г.Ҳакимова	
Инглиз ва ўзбек тилларидаги зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг семантик таҳлили ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари	129
У.Раҳмонов	
Инглиз тилида ҳақоратни ифодаловчи эмоционал сўзлар таҳлили.....	133
А.Уралов	
Морфемалар тизимида аффиксоидлар масаласи	138

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Л.Аҳмедова	
Олий таълим жараёнида инглиз тилини ўқитишда ўйин методлари: назария ва амалиёт	143
С.Сидиков, Г.Сидикова, А.Қосимов	
Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг моторли хусусиятларини ривожлантиришда акцентланган дарсларининг самарадорлиги	150

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Юкланган Бернулли тенгламаси учун интеграл шартли масала.....	155
О.Ахмаджонова	
Бессел-Клиффорд функцияларининг баъзи умумлашмалари ва уларнинг хоссалари	160
К.Ражапов, И.Хомидов	
Муаммоли геометрик масалаларни алгебраик тенгламалардан фойдаланиб ечиш	163

УДК: 93/99+355.123.1

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СУРХОН ВОҲАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ФРОНТ ОРТИДАГИ ФАОЛИЯТИ

ТЫЛОВАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ТРУДЯЩИХСЯ СУРХАНСКОГО ОАЗИСА В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

REAR ACTIVITIES OF THE WORKERS OF THE SURKHAN OASIS IN THE YEARS OF THE SECOND WORLD WAR

К.Тошов

Аннотация

Мақолада архив материаллари асосида Сурхондарё вилояти меҳнаткашларининг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги шижоатли фаолияти, фронтга юборган моддий ёрдами ҳамда ватанпарварлиги билан боғлиқ жиҳатларни таҳлил қилиш орқали кўрсатиб берилган.

Аннотация

В статье, на основе архивных материалов, освещена материальная помощь фронту, а также патриотизм, самоотверженная деятельность трудящихся Сурхандарьинской области по укреплению тыла в годы Второй мировой войны.

Annotation

The article on the basis of archival materials highlights the assistance to the front, as well as the dedicated work of workers in the Surkhandarya region to strengthen the rear during the Second World War.

Таянч сўз ва иборалар: ғалаба, фронт, сафарбар этиш, мутахассисликлар, аёллар, ўспиринлар, қариялар, халқ хўжалиги, фидокорона меҳнат, фронтга ёрдам, қурол-яроғ тайёрлаш, тарғибот ишлари, эвакуация.

Ключевые слова и выражения: победа, фронт, мобилизация, специальности, женщины, подростки, старики, народное хозяйство, самоотверженный труд, помощь фронту, изготовление оружия, пропагандистская работа, эвакуация.

Keywords and expressions: victory, front, mobilization, specialists, women, adolescents, old people, national economy, selfless labour, help to the front, weapons manufacturing, campaign work, evacuation.

XX аср инсоният тарихида Иккинчи жаҳон уруши энг оғир фожиавий из қолдирган тарихий воқеалардан саналади. Ҳозирда жаҳондаги давлатлар ўртасида тинчликни асраш, алоқаларни мустақамлаш асосий ўринда турган халқаро долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Шу ўринда, фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг кўшган ҳиссаси муносиб бўлиб, бу даврда республикага кўчирилган аҳолига халқимиз томонидан кўрсатилган меҳр-мурувват бутун дунёга ҳақиқий инсонпарварлик, бағрикенглик фазилатларини намойиш этди.

Ҳозирда дунё мамлакатларида Иккинчи жаҳон уруши даври тарихини тадқиқ этишга ўз аҳамиятини йўқотмаган масалалар қаторида қаралади. Ўзбекистон тарихида Иккинчи жаҳон уруши йиллари ўзининг мураккаблиги ва зиддиятларга бойлиги билан ажралиб туришини ҳисобга олганда, бу давр тарихини чуқур тадқиқ этишнинг аҳамияти катта. Бу урушда бутун инсоният ўзининг барча куч ва имкониятларини фашизм устидан қозониладиган ғалабага қаратди. Албатта, ўзбек халқи ҳам ушбу ғалабанинг таъминланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Ўзбек жангчилари қонли жанг майдонларида душман билан аёвсиз кураш олиб бордилар.

Уруш даврининг оғир синовларига қарамасдан, Ўзбекистонга эвакуация қилинган аҳолига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам таҳсинга сазовор ишлар қилинди. Бундан ташқари, ўзбек халқи фронтга иссиқ кийим, озиқ-овқат етказиб бериш, мудофаа фондларини бойитиш, жанговар техника қурилишига маблағ тўплаш ишларида ҳам фаол иштирок этди. Эндиликда, Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотираси учун 2004 йил ноябрь БМТ Бош Ассамблеяси резолюциясида 8 ва 9 май кунларининг Хотира ва Яраш куни сифатида эълон қилиниши бу борадаги муҳим тадбирлардан саналади.

Турли қийинчилик ва машаққатларга қарамасдан, бу даврда ўзбек халқи жамият ҳаётининг турли соҳаларида муайян ишларни амалга ошириб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда эътиборга лойиқ ютуқларни қўлга киритди. Зеро, «Буюк ғалабага ҳисса қўшган ватандошларимиз ҳаёти, жасорат ва матонатини янада чуқурроқ ўрганишимиз, бу ҳақида янги илмий тадқиқотлар, бадиий асарлар, кинофильм ва спектакллар яратишимиз керак. Ёшларимиз кимларнинг жасорати туфайли қарийб 75 йил мобайнида уруш балосини кўрмасдан, тинч ва

К.Тошов – ТерДУ, тарих факультети ўқитувчиси.

ТАРИХ

бахтли замонда яшаётганимизни билиши ва бунинг қадрига етиши зарур» [1]. Шу боис Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг аҳамияти ҳеч қачон ўз қадрини йўқотмайди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 1999 йил 2 мартдаги “9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2865-сонли қарори, “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги ПФ-5000-сонли фармони, 2019 йил 23 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги ПФ-5711-сонли фармонида белгиланган вазифаларни амалга ошириш катта аҳамиятга эга бўлди.

2020 йилнинг 9 майида бутун прогрессив инсоният, энг аввало, собиқ СССР республикалари, жумладан, Ўзбекистон халқаро Иккинчи жаҳон урушида герман фашизми устидан қозонилган ғалабанинг 75-йиллигини кенг нишонлайди. Бу ғалабани таъминлашга Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти меҳнаткашлари ҳам камтарона ҳиссаларини қўшдилар.

Урушнинг бошланиши Сурхон воҳасида яшаётган кишиларнинг ҳам қалбларига ғулу солди, уларда фашизмга нисбатан қаҳр-ғазаб ва нафрат ҳиссини уйғотди. Воҳа аҳли фронт учун ҳамма имкониятларни сафарбар этиб, ўзининг инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқлар дўстлигини янада мустақамлаш борасида ибратли ишларни амалга оширди.

Вилоятда эркакларнинг ишга яроқли қисмининг фронтга сафарбар қилиниши вилоят халқ хўжалигининг барча соҳаларида мутахассислар танқислигини юзага келтирди. Ўша шароитда ишлаб турган корхоналарнинг тўхтаб қолиши ёки ишлаб чиқаришда сусткашликка йўл қўйиш маккор душман олдида таслим бўлишни англатар эди. Оғир ҳарбий вазиятни ҳисобга олган Сурхон воҳаси меҳнаткашлари, асосан хотин-қизлар ва ўсмирлар, жангга кетган эркакларининг ўрнини эгаллаб, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда колхоз далаларида мардонавор меҳнат қилдилар.

Масалан, Термиз шаҳар «Золотпромат» артели аёллари «Биз, аёллар, эркаклар касбини ўзлаштириб, зарур бўлган ҳолда улар ўрнига ўтиб ишлаймиз», деган қақриқ билан чиқишди [2]. Хотин-қизларнинг муваффақиятли меҳнат фаолияти натижасида корхона 1941 йилда ишлаб чиқариш билан банд бўлган «Золотпромат» артели хотин-қизлари учинчи квартал режасини 120 фоизга бажарди.

1941 йил 5 июлда Тошкент шаҳар Октябрь туманида хотин-қизлар митинги бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг барча хотин-қизларига мурожаатнома қабул қилинди. Мурожаатда, хусусан, шундай дейилган эди: «Қадрдон опасингиллар! Ҳаммамиз жипслашиб, жонажон Ватанимиз ҳимояси учун оёққа тураимиз, станоклар, тракторлар, комбайнлар ва колхоз далаларида эркакларнинг ўрнини босамиз, уруш кунларида ҳеч ким қўл қовуштириб ўтиришга ҳақли эмас. Бу улугвор курашда ҳар ким ўз ўрнини билиши керак. Биз фронт орқасида туриб, душман устидан ғалабамизни шижоат билан қўлга киритишимиз керак» [3].

«Золотпромат» артели аёллари ва Тошкент шаҳар аёлларининг мурожаатига қўшилган Термиз тумани Паттакесар қишлоқ Кенгашининг «Социализм» жамоа хўжалиги аъзолари Оқабии Имомова, Мариям Худойкулова ва Бека Ҳазраткуловалар вилоят қишлоқларида истиқомат қилаётган хотин-қизларга қарата мурожаат билан чиқдилар: «Биз, колхозчи хотин-қизлар фашистларни қириб, маҳв қилиб ташлаш учун фронтга кетаётган эрларимиз, ака-укаларимиз, қариндошларимиз ўрнида колхоз ишлаб чиқариш ишларида стахановчасига ишлаймиз. Фронтга кетган яқинларимизнинг иш режаларини ўзимиз бажариш ва ортиғи билан бажариш орқали душман устидан ғалабани тезлаштиришга имкон берамиз» [4].

Умуман, 1941 йилнинг 15 октябрига қадар вилоят бўйича 800 нафар хотин-қиз «Фронтга кетган йигитларнинг ўрнини олиш керак», деган қақриқ билан чиқди. Вазият ниҳоятда оғир эди, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг каттагина қисми фронт эҳтиёжлари учун сарфланаётганди. Бу маҳсулотни ишлаб чиқариш асосан хотин-қизлар ва ўсмирлар зиммасига тушди. Саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш билан банд бўлган аёлларни янги касб малакаларига ўргатиш, янги ихтисосликларни эгаллаш зарурияти каби муаммолар кун тартибидаги долзарб мавзу эди. Шу мақсадда жойлардаги саноат корхоналари ва МТСлар қошида қисқа муддатли курслар ташкил этилди. Ушбу курсларда аёллар станокларда ишлаш, трактор ва комбайнлар ҳайдаш ва шунга ўхшаш касб малакаларини эгаллар эдилар. Жумладан, урушнинг дастлабки ойларида Шеробод МТСи қошида ташкил қилинган қисқа муддатли тракторчилар тайёрлаш курсини 83 нафар хотин-қиз, Жарқўрғон тумани 1-МТС қошида ташкил қилинган шундай курсни эса 62 нафар хотин-қиз тамомлади. Равшанхон Тилавова, Чучук Мелибоева, Маҳар Саматова ва Ўғилой Чоршанбиева каби онахонлар трактор бошқариш “сирлар”ини муваффақиятли ўрганишди [5]. Умуман, ўша жанговар йилларда вилоятда 260 нафар хотин-қиз раҳбарлик лавозимига

кўтарилган бўлса, 600 нафар хотин-қиз эса тракторчилик ва шофёрлик касбини ўрганди [6].

Уша даврда бутун ҳаёт ҳарбий изга қурилган бўлиб, саноат корхоналари 2-3 сменалаб ишлар, қишлоқ хўжалигида ҳам вазият ниҳоятда оғир эди. Кишилар 2-3 сменалаб ишлашиб, оч ва юпун бўлишса-да, ғалабага ишонч, келажакка умидворлик ҳисси, уларни «юқоридагилар» амри эмас, балки ўзларининг қалб амри, виждон даъвати меҳнат қилишга ундар эди. Ҳар бир ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулот душман устига снаряд бўлиб тушишини улар қалбан ҳис қилардилар.

Кишилардаги матонат ва сабру бардош ғалаба кунини яқинлаштириш ишида бош манба бўлиб хизмат қилди. Бу даврда вилоятдаги ҳеч бир кимса қўл қовуштириб ўтирган эмас, балки ҳамма станоклар ёнида, далаларда тинмай, кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан, елкама-елка туриб, бир-бирига мадакор бўлиб, мардонавор меҳнат қилиб, ғалабанинг иқтисодий тамал тошини барпо этдилар. Ана шу тамал тошини қўйишда вилоят аёллари билан бир қаторда болалар ва қариялар ҳам фаол иштирок этдилар. Жумладан, 1941 йил июль ойида термизлик 17 нафар ўқувчи «Прогресс» артелида ишлаш истагини билдирган бўлса, уч нафар ўқувчи эса «Иттифоқ» жамоа хўжалиги далаларида ишлашга азму қарор қилди. Ёки шўрчилик 408 ўқувчи эса 1941 йилнинг 31 июлида 6750 кг темир-терсак парчаларини йиғиб, давлатга топширди [7]. Жумладан, армия эҳтиёжи учун иссиқ кийим тўплаш жамғармаларини бойитишда бойсунликлар 220 дона фуфайка, 2426 дона тери; сариосиёликлар 1606 кг жун, 3276 бош қўй ва қорамол териси, 209 дона кўрпа, 201та фуфайка, 314 жуфт жун қўлқоп; жарқўрғонликлар 401 та фуфайка, 424 та қўйлак, 1745 жуфт пўстин, 526 дона ҳар хил пахтали кийим, 2734 кг жун ва 4767 дона қўй териси топшириб, алоҳида ўртак кўрсатдилар. Умуман, 1942 йилнинг 31 декабригача бўлган вақт мобайнида вилоят ҳарбий комиссариати омборхонасига жангчиларга иссиқ кийимлик учун 55 та пахталик шим, 108 жуфт пайпоқ, 2 жуфт жун қўлқоп, 565 та дастрўмол, 116 та ёзлик қўйлак, 27 дона одеял ва 19 дона пўстин топширилди [8].

Фронтга кўплаб иссиқ кийим, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ҳаракатини жадаллаштириш ишида фронтдан туриб фронт ортида меҳнат қилаётган меҳнаткашларга қарата ёзилган мактубларнинг таъсири катта бўлди. Жумладан, Украина fronti жангчилари жарқўрғонлик ёшларга фронтдан туриб мактуб йўлладилар. Жарқўрғонлик ёшларга қарата ёзган мактубларида улар фронт ортида бунёдкорлик иши билан шуғулланаётган ёшларни янада улкан меҳнат зафарларига эришишда ва фронтга кўплаб моддий ёрдам уюштиришда фаол

иштирок этишлари уқтириб ўтилган эди. Биргина 1943 йилнинг 7 январида воҳа аҳли фронтга 257 та ярим пўстин, 224 та нимча, 195 та телпак, 145 жуфт қўлқоп, 93 жуфт пайпоқ ва 39 жуфт пийма жўнатдилар[9].

Бошланиб кетган уруш кексалар турмушини ҳам ағдар-тўнтар қилиб ташлади, улар кексалик гаштини суриш ўрнига, оз бўлса-да, халққа мадад бўлиш учун далаларга чиқиб меҳнат қила бошладилар. Уша оғир синовли йилларда Термиз тумани Мангузар қишлоқ Кенгашига қарашли «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалигида 76 ёшли Юнус ота Шукуров одатдаги бир меҳнат куни ўрнига 2 меҳнат куни, 80 ёшли Ҳусан ота Алламуродов 1-1,5 меҳнат куни, Шеробод тумани Хўжаулкан қишлоқ Кенгаши, Й.Охунбобоев номли жамоа хўжалигида яшовчи 70 ёшли Бозорбобо Мусулмонов, 60 ёшли Эрназар ота Бобоназаров ва жангчининг онаси 65 ёшли Қизлармома она Турдиевалар эса 2-2,5 меҳнат кунидан ишладилар [10].

Умуман олганда, ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳарбий замон қонуниятлари устуворлиги таъминланди. Уруш йилларида собиқ СССР нинг тарғибот ва ташвиқот машинаси янада кучлироқ ишлади. Бутун аҳолини урушга сафарбар қилиш бош ғояга айланди. Аммо, шу билан бирга, аҳолининг эркин фаолият юритиши бирмунча чеклаб қўйилди, бошқаришнинг тоталитар тартибларидан фойдаланиш ниҳоятда авж олди, режани бажармаган ёки иш фаолияти давомида заррача хато ва камчиликка йўл қўйганлар аёвсиз жазоланди. Тоталитар тузумнинг жазолаш машинаси саналган НКВД тинмай фаолият юритди, кўплаб кишилар меҳнат ва ижтимоий фаолиятларида унча жиддий бўлмаган хато ва камчиликларга йўл қўйганлиги учун ноўрин равишда жазоланди ва қатағон қилинди. Бунинг оқибатида халқ ва жамиятга тузатиб бўлмайдиган зарар етказилди. Урушдан кейинги йилларда бу хатолар тузатилди.

Бу даврда мамлакат раҳбарияти оғир синовларга дош бериб, халқнинг барча кучини душманга қарши сафарбар этиш ва руҳлантириш борасида бор имкониятларни ишга солиш ва фашист босқинчиларига бўлган нафратни кучайтириб, халқни оёққа туришга чорлади.

Шу сабабли ҳарбий давр қонуниятларига бўйсуниб барчага мажбурий қилиб белгиланди, бундан салгина четлашганлар эса аёвсиз жазоланар эди. Барча соҳада ҳарбийчасига фаолият юритиш устувор вазифага айланди, шу муносабат билан Сурхондарё вилояти раҳбарлиги 1941 йил 24 июлда «Ҳарбий замон шароитлари» масаласини муҳокама этиб, махсус қарор қабул қилди. Қарорда давр талабларини инобатга олган ҳолда вилоятдаги барча ишлаб чиқариш муассаса ва ташкилотларнинг ҳарбий давр қонунлари асосида иш юритиши белгилаб

ТАРИХ

берилди. Жойларда мудофаа фондлари, мудофаа лекторлари жангчилар учун иссиқ кийим ва озиқ-овқат фондлари, ҳарбий техника қурилиши ва ҳарбий заём фондларининг вилоят, шаҳар ҳамда туман бўлимлари ташкил қилинди.

Мудофаа фондларини бойитишда якшанбаликлар ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди, республика миқёсида биринчи якшанбалик 1941 йил 28 июлда бўлиб ўтди. Ушбу якшанбалиқда республиканинг барча вилоятлари қаторида Сурхондарё вилояти меҳнаткашлари ҳам фаол иштирок этиб, якшанбалиқдан ишлаб топилган пулни мудофаа фондига топширди. Бўлаётган урушда ғалаба қозониш, аввало халқнинг руҳиятига, унинг урушга муносабатига, маънавий баркамоллигига ва сиёсий онглилигига боғлиқ эди. Чунки урушда иштирок этаётган ҳар бир жангчи, фронт ортида меҳнат қилаётган ҳар бир меҳнаткаш ўзининг нима мақсадда душман билан курашаётганлигини, ғалабага эришишда нималарга амал қилиш кераклигини тушуниб этиб, унинг қалбида душманга нисбатан нафрат, озодликка муҳаббат ҳисси жўш урганда, янада унумли меҳнат қилар ва душманга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлар эди. Бу эса ғалабага эриштирувчи муҳим манбалардан биридир, бу жараёнга эришишда омма ўртасида ўтказилган тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Шуларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон КП Марказий Қўмитасининг 1941 йил 8 августда қабул қилган «Ҳарбий шароитда республикада сиёсий агитация ва пропагандани яхшилаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Сурхондарё вилоятида ҳам тарғибот-ташвиқот марказлари барпо қилиниб, тарғиботчилар гуруҳлари ташкил этилди. Тарғиботчилар саноат корхоналарида, клублар ва чойхоналарда ташвиқот ишларини олиб бордилар. Бевосита тарғиботчилар гуруҳларининг иштироки билан 1941 йилнинг июнь-июль ойларида вилоят миқёсида фашизмга қарши 570 та митинг бўлиб ўтди ва бу митингларда 85 минг киши иштирок этди [11].

Бу митингларда «Фашизмга ўлим», «Манфур душманга бир қарич ҳам еримизни бермаймиз», «Ҳамма нарса-фронт учун, ҳамма нарса-ғалаба учун» шиорлари ўртага ташланди ва кишилар янги меҳнат зафарларига эришишга чорланди. Ўша жанговар йилларда вилоятда амалга оширилган яна бир муҳим тадбир - фуқароларни умумҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ва ҳарбий техника сирлари билан таништириш ишлари амалга оширилди. Мамлакатда уруш бўлаётган экан, ҳарбий тайёргарликка бепарво қараб бўлмайди. Фуқаролар қанчалик ҳарбий техникани ва ҳарбий тактикани кучли ўрганса, ғалаба дақиқалари шунчалик яқинлашади. Зеро, қўлига қурол кўтариб, ўз эркини ҳимоя қилишга ўрганмаган

халқ озод қолиши мумкин эмас, шу муносабат билан СССР Мудофаа қўмитасининг 1941 йил 23 июлда «Фуқароларни умумҳарбий тайёргарликдан ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, урушнинг дастлабки ойларида вилоятнинг 21494 кишиси ҳарбийча юриш, граната ирғитишни ўрганди ва бошқа турли хил ҳарбий машғулотларда қатнашди. Шунингдек, 1941 йилнинг июль-август ойларида вилоятда 1800 нафар киши иштирокида 10-25 км масофага ҳарбий юриши ўтказилди. «Осоавиахим» жамиятининг «Ворошиловские стрелки» бошланғич ташкилотларида эса 575 та кучли тайёргарлик ишлари олиб борилди, бу машғулотлар асосида 295 нафар мерган қиз тайёрланди [12].

Умуман олганда, уруш барча соҳани ва ҳар бир кишини ҳарбий замон талабларига бўйсундирди, алабатта, бунга эришишда вилоят аҳли ниҳоятда кўп қийинчиликларга рўбарў келди. Аммо бу қийинчиликлар халқнинг зўр ғайрати, сабр-бардоши ва ёруғ кунларга бўлган ишончи орқали бартараф қилинди.

Халқимизнинг меҳмондўстлиги, қалбининг кенглиги, саховатлилиги, меҳри дарёлиги ва болажон халқ эканлиги Иккинчи жаҳон уруши йилларида яна бир бор синовдан ўтди. Бундан ташқари, халқимизнинг олижаноб фазилатлари уруш йилларида республикага эвакуация қилинган аҳолига кўрсатилган юксак ғамхўрликда намоён бўлди. Жумладан, Сурхондарё вилоятига эвакуация қилинган турли миллат вакиллари сурхондарёликларнинг қуёш тафтидек иссиқ меҳридан баҳраманд бўлиб, ўзларига яшаш учун бошпана топдилар ҳамда турли хил ишларга жойлашиб, буюк ғалабага эришиш учун воҳа аҳли билан елкама-елка туриб меҳнат қилдилар. Бу норасидаларни тарбиялаб, уларга оталик ва оналик меҳрини кўрсатиш вазифаси ҳар бир имон-эътиқодли инсоннинг зиммасидаги бош вазифа эди. Шу муносабат билан Сурхондарё вилояти ижроия қўмитаси 1942 йил 12 январиди «Эвакуация қилинган ота-онасиз етим болаларни қабул қилиш ва тарбиялаш билан шуғулланувчи вилоят, шаҳар, туманлар қўмитасини тузиш ҳақида қарор» қабул қилди [13]. Умуман, 1942 йилнинг март ойигача бўлган вақт мобайнида Сурхондарё вилоятига 719 та оила ёки 1862 киши эвакуация қилинди. Эвакуация қилинган аҳолининг 480 нафари эркак, 1059 нафари аёл, 323 нафари болалар эди ёки кўчириб келтирилган аҳолининг 1480 нафари ишга яроқли эди. Вилоятга кўчирилган ишга яроқли аҳоли тезда ишлаб чиқаришга жалб қилинди. Жумладан, ана шу ишга яроқли аҳолининг 1209 нафари меҳнат жамоа ва давлат хўжаликларида ишга жойлаштирилган бўлса, 271 киши эса турли ташкилот ва муассасаларга жалб қилинди [14]. Вилоят аҳли ота-онасиз қолган болаларга ёрдам сифатида 188000 минг сўм пул тўпладилар ва

пулларни ота-онасиз қолган болалар фондига топширдилар [15]. Меҳридарё сурхондарёликлар ота-онасиз қолган болаларга турли-туман ғамхўрликлар қилиш билан бирга уларни бевосита ўз хонадонларига олиб келиб, тарбиялаб вояга етказиш ишида ҳам фаол иштирок этдилар, жароҳатланган дилларига малҳам бўлдилар. Ана шундай меҳридарё инсонлардан юзлаб сурхондарёликларнинг номларини келтириб ўтиш мумкин. Жумладан, Шеробод тумани Ғуржак қишлоғида яшовчи Эгамберди Қувватов беш ёшли ўғил болани, Исқандарова Қундуз икки ёшли қиз болани, Жўраев Ҳолиқ саккиз ёшли ўғил болани, вилоят соғлиқни сақлаш бўлими ишчиси Галиева уч ёшли болани, вилоят халқ таълими бўлими ходими Лесенкин беш ёшли қиз болани, Шеробод тумани партия кўмитаси ишчиси

В.Корчак икки-уч ёшли қиз ва ўғил болани, уй бекаси К.И Колесова икки ёшли қиз болани ўз тарбиясига олдилар [16]. Сурхондарёлик қалби кенг меҳрибон инсонлар минг-минглаб хаста дилларга малҳам бўлиб, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан мададкор бўлди ва асрлар давомида аждодларидан мерос бўлиб келаётган меҳмондўстлик, меҳрибонлик каби хислатларга содиқ эканликлари исботладилар.

Хулоса шуки, халқ хўжалигининг фронт манфаатларига сафарбар этилишлар, воҳа аҳлининг меҳнатсеварлиги, фронт ортини мустаҳкамлашдаги меҳнат жасоратлари, оташин чақириқлари ҳамда Сурхондарё вилоятига эвакуация қилинган турли миллат вакилларига кўрсатилган юксак ғамхўрликлари ғалабанинг таъминланишига қўшилган катта ҳисса бўлди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 9 май Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.
2. «Илғор Сурхон учун» газетаси, 1941 йил 3 июль.
3. «Правда Востока» газетаси, 1941 йил 6 июль.
4. «Илғор Сурхон учун» газетаси, 1941 йил 10 июль.
5. «Илғор Сурхон учун» газетаси, 1941 йил 9 октябрь.
6. «Сурхондарё тарихидан лавҳалар», Тошкент, 1991, 70 бет.
7. «Илғор Сурхон учун» газетаси, 1941 йил 5 август сони.
8. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45- фонд 1- ёзув, 51- иш, 47-бет.
9. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 45- фонд, 1- ёзув, 110-иш, 48 бет.
10. Турсунов С. ва бошқалар. Сурхондарё тарихидан лавҳалар, Тошкент. 1991 йил, 59-бет.
11. Саидмуродов Н. «Улуғ Ватан уруши йилларида Сурхондарё область партия ташкилоти фаолияти» номзодлик диссер. Автореферат, 15-бет.
12. Турсунов С. ва бошқалар. Сурхондарё тарихидан лавҳалар, Тошкент. 1991 йил, 57-бет.
13. Сурхондарё вилояти давлат ҳужжат архиви, 45 фонд, 1-ёзув, 109 иш, 7 бет.
14. Сурхондарё вилояти давлат ҳужжат архиви, 45 – фонд, 1-ёзув, 98 – иш, 9-бет.
15. Сурхондарё вилояти давлат ҳужжат архиви, 45 – фонд, 1-ёзув, 38- иш, 19-49- бетлар.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).